



## “АЁЛЛАР АДАБИЁТИ” ТУШУНЧАСИ ВА АЁЛ ИЖОДКОР НИГОҲИ

*Матмусаева Н.*

*Андижон давлат университети*

*Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** аёллар адабиёти, гинотанқид, аёллар насри, аёллар романи, аёл руҳияти тасвири, тарихий романлар, аёл-ёзувчи, аёл-қахрамон, аёл-таржимон.

**Ключевые слова:** женская литература, гинокритика, женская проза, женский роман, изображение женской психики, исторические романы, женщина-писательница, женщина-герой, женщина-переводчик.

**Key words:** women’s literature, gynocriticism, women’s prose, women’s novel, depiction of the female psyche, historical novels, woman-writer, woman-hero, woman-translator.

Бадий адабиётда аёл образи, аёл руҳияти талқини масаласи доимо адабиётшуносларни қизиқтириб келган. Аёл ижодкорларнинг ижодида аёл образи, аёл руҳияти, ўй-кечинмалари, хатти-ҳаракатлари ўзига хос тарзда тасвирланади. Жаҳон ва рус адабиётшунослигида “аёллар насри” асарларининг гендер хусусиятларини очиб бериш, аёл нигоҳи билан талқин қилинадиган олам манзарасининг балиий талқинида ҳаёт манзаралари ва аёл руҳияти тасвирини таҳлил қилиш кенг тус олди. Ф.Наджи, Н.Махназ, Г.Нефагина, Т.Галеев, С.Барашков, С.Желобцов, Ф.Галеев А.Пушкар, Е.Пастухова, Е.В.Пакина кабиларнинг тадқиқотларида ана шу муаммоларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари ўрганида бошлади. Ўзбек адабиётшунослигида ҳам С.Э.Камилова, Ф.Р.Муртазаева, М.Қ.Ўразбаева, А.И.Зоирова, Н.М.Мирқурбанов, Н.М.Ибрагимова, Ш.Назирова, Ш.Аҳмедова ва бошқаларнинг ўзбек ва жаҳон адабиёти доирасида аёллар насри масаласига бағишланган қатор диссертация ва мақолалари ёзилди.

Г.Х.Умуровнинг маълумот беришича, Н.Бейм 1978 йилда “Аёллар адабиёти” номли китоб нашр қилган. Н.Бейм XIX асрнинг ўрталарида катта машҳурликка эга бўлган Кэтрин – Мария Седжвик, Сара Хейл, А.Ж.Грейвс, Мария Макинтош, Эмма Саутуорт ва Каролина Ли Хенц, Мари Каминс ва



Мариам Коулс Харрис каби ижодкорларнинг асарларини таҳлил қилиш асосида аёллар романининг ўзига хос типологик хусусиятларини кашф этган.

1970-йилларда Элейн Шоуолтер томонидан «аёллар адабиёти таҳлилида аёлларга хос асос»ни таъминлаш учун мўлжалланган янги адабий лойиҳани тавсифлаш учун гинокритика, гинотанқид (gynocriticism) атама киритилган. Гинотанқидчилар аёл ёзувчилар тарихини ўрганишни алоҳида адабий анъана сифатида кенгайтириб, адабий ижоднинг аёллар тажрибасини ўрганиш асосида эркак моделларига қарама-қарши янги моделларни ишлаб чиқишга интилоқдалар. Гинотанқид, шунингдек, аёлларнинг гендер мансублиги ва ижтимоийлиги учун курашларини ўрганadi. Элейн Шоуолтер фикрича, гинотанқид нафақат аёллик мақомини, балки аёлнинг «ички онги»ни ҳам ўрганишдир. Бироқ бу йўналиш ғояларининг ўта Европача менталитетга хослигини инобатга олиб, бизнинг Шарқона маънавий тамойилларимизга тўғри келмаслигини айтиб ўтмоқчимиз. Яъни аёллар адабиёти тушунчасининг мезонларини яратишда уларнинг ғояларига чуқур ёндашмаслик керак деб ҳисоблаймиз.

Аёллар адабиёти ва аёллар адабиётшунослиги ҳақида гап кетганда, биринчилар қаторида машҳур ёзувчи ва адабий танқидчи Виржиния Вулф номи ҳам тилга олинади. Виржиния Вулф (Virginia Woolf, 1882-1941) (қизлик исми Аделина Виргиния Стивен (Adeline Virginia Stephen) - британиялик машҳур ёзувчи ва адабий танқидчи. XX аср биринчи ярмининг энг кўзга кўринган модерн ёзувчиларидан бири. Унинг «Миссис Дэллоуэй» (Mrs. Dalloway, 1925), «Маёққа» (To the Lighthouse, 1927), «Орландо. Биография» (Orlando: A Biography, 1928) каби романлар муаллифи.

Е.В.Пакина “Типология женских образов в романах В. Скотта” (“В.Скотт романларида аёллар образлари типологияси”) тадқиқот ишида шотланд классик ёзувчиси романларидаги аёллар образларининг қуйидаги типларини белгиб таҳлил қилади:

- аёл қиёфасидаги юраксиз фуриялар (Эштон хоним),
- «қонингни ичувчи оналар» (Мардоксон кампир, Эйлси Гурли),
- қилмишлари учун тавба қилган, ярим ақлдан озган гуноҳкорлар (Норна),
- хавфли лаҳзада қахрамонга ёрдам бериш учун тайёр содиқ хизматкорлар (Мег Меррилиз, кўр Элис). Шахло Аҳмедова ўзининг “Араб адибалари” мақоласида Миср, Сурия, Ливан, Ироқ, Фаластин каби араб мамлакатларида аёллар адабиёти етарли даражада ривожланганлигини ва XX асрнинг бошидаёқ Мей Зияде, Ойша Теймур, Бинт аш-Шотий (Ойша Абдурахман), Фадва Тукан, Нозик ал-Малаика каби адабиётчи аёллар сиймосида кўплаб ўзининг йирик вакилаларига эга бўлганлигини таъкидлайди. Адабий жан-



рлар масаласида аёллар кўпроқ шеърлар ва ҳикоялар машқ қилишни афзал кўрардилар. XX асрнинг охирига келиб, араб мамлакатларида 113 та шеърӣ девон, 115 та новеллалар тўплами, 64 та роман нашр этилганлиги ҳақида маълумот беради. Мақола муаллифи араб – адибалар ижоди, асосан, ижтимоий таҳлилга ҳамда ҳаётни аслида қандай бўлса шундай тасвирлашга йўналтирилган реализм контекстида эканлиги, ахлоқий масалаларга катта эътибор берилиши ва, биринчи навбатда аёлнинг ҳуқуқи, унинг оиладаги, жамиятдаги туган ўрни билан боғлаб тасвирланиши каби масалаларда батафсил фикр юритган.

Бу борада Шукрия Назированинг “Аёллар адабиёти” тушунчаси хусусида мулоҳазалар (ўзбек ва хитой адабиётининг қиёсий таҳлили мисолида)” номли мақоласи ҳам эътиборни тортади. Мақолада “аёллар адабиёти” тушунчасининг моҳияти, бу тушунча хусусидаги мавжуд қарашлар ҳақидаги мулоҳазаларга муносабат билдирилган. Шунингдек, ўзбек ва хитой адабиётида аёллар ижодининг дебочаси, хитойда “аёллар адабиёти”нинг шаклланиши каби масалалар ўрганилган. Ўзбек адабиётида хонлиқлар давридаги адабий муҳит ва уларда аёлларнинг мавқеи, хитой адабиётида аёллар ижодига туртки бўлган ижтимоий-сиёсий воқеалар тарихий манбалар орқали тадқиқ этилган. Муаллиф “аёллар адабиёти” деганда, бир гуруҳ олимлар “аёлларга бағишланган, аёллар мавзусидаги” асарларни тушунишса, иккинчи бир гуруҳ олимлар “Аёл ижодкорлар томонидан яратилган асарлар”-ни назарда тутишлари ҳақидаги фикрни илгани суради.

Ҳулқар Муҳаммедова ўз илмий изланишларида инглиз адабиётининг виқториан даври аёл адибалари ижодини тадқиқ қилишга бел боғлаган. Жумладан, “Танқидий реализм адабиётида аёллар насрининг тараққиёт босқичлари” мақоласида аёллар адабиётининг назарий масалаларига эътибор қаратган бўлса, “Инглиз адабиётида виқториан даври аёллар насри мисолида” мақоласида опа-сингил Бронтелар, Жорж Элиот ва Элизабет Гаскелларнинг таҳлилга тортади.

Олиманинг таъкидлашича, виқториан адибалар ижодида энг кўп учрайдиган адабий шакл бу роман жанридир. Бу романларда адибалар аёллар тақдирини турфа хил кўринишда аёл туйғуларини ғоят нозик ҳис қилган ҳолда таъсирли тасвирлашнинг уддасидан чиқдилар. Шарлотта Бронтенинг «Жейн Эйр» (1847) асари инглиз реалистик романи учун янги қаҳрамон – ўзининг фуқаролик ва маънавий эркинлиги учун курашган аёлни яратишда намоён бўлади. Жорж Элиот романларида инсон тақдири, унинг ҳолатлари реал воқеалар иштирокида тасвирланади. Унинг асарларида биз “инсон ва жамиятга садоқат, табиатга шукроналик, ва муҳаббатга ишонч мавзуларини” кузатишимиз мумкин. Адиба қаламига мансуб асарларнинг барчасида



деярли аёллар ҳаёти ҳикоя қилинади. Тадқиқодчининг хулосасига кўра, эндиликда аёллар насрининг етакчи хусусиятлари бу муаллиф - аёл, марказий қаҳрамон - аёл, муаммолар қайсидир маънода аёллар тақдири билан боғлиқ равишда тасвирлашга айланди.

А.Зоированинг фикрига кўра, аёллар адабиётининг энг асосий мақсади адибалар томонидан ёзилган асарлар, янги услублардан бири аёлнинг психодинамик ижодкорлиги, аёллар тили ва услуби масалалари, асар қаҳрамонларининг аёлга хос муаммоларини ўрганишга қаратилган. Олиманинг таъкидлашича, Агнешка Хриник, Никола Буалолар ҳам гинокритик таҳлилнинг келиб чиқишини автобиографик асарларга боғлайдилар. А.В.Кирилин, И.М.Куликов, Я.В.Левковскийлар аёл ва эркак оламини онгида турли хил англаши, дунёни турлича идрок қилишида фарқлар мавжудлигини ўз тадқиқотларида кўрсатиб ўтганлар.

А.И.Зоирова “Француз феминист адибалар асарлари таржимасининг гинокритик тадқиқи (Жорж Санд ва Жермена де Сталь асарлари таржимаси мисолида)” мавзусидаги диссертация ишида аёллар адабиёти масаласига лингвистик жиҳатдан ёндашган. Ишда феминист адибалар асарлари ва уларнинг таржимасида гинокритик таҳлил устиворлиги “аёл-ёзувчи, аёл-қаҳрамон, аёл-таржимон” триадаси нуқтаи назаридан таҳлил қилинган ҳамда аёл-таржимонга хос образлаштириш, мослаштириш ва транскреатив услуб, эркак-таржимонга хос умумлаштириш, соддалаштириш ва конкретлаштириш таржима услублари тадқиқ қилинган.

С.Сотиболдиева ўзбек адабиётшунослигида ҳам “аёллар адабиёти” атмасини илмий муомалага киритиш ва аёллар адабиёти тараққиётини даврлаштириб ўрганиш таклифини илгари суради. Дарҳақиқат, бугунги давр адабий-танқидий қарашлар хилма-хиллиги ва адабий жараёндаги ранг-баранглик нуқтаи назаридан қараганда, ўзбек адабиёти тарихий тараққиётида “аёллар адабиёти” тушунчасининг негизлари аллақачон шаклланиб улгурган.

Малика Матмурадованинг “Ўзбек шоиралари ҳақидаги библиографик манбалар ва электрон ресурслари” мақоласида мумтоз ва замонавий адабиётимиздаги ўзбек шоиралари ва улар ижодининг ўрганилиши хусусида анчайин батафсил маълумотлар берилган.

Бир қатор манбаларда жадид адабиёти даврига оид Иброҳим Давроннинг «Ашъори нисвон» (1916) тўплами 23 та аёл ижодкорларнинг маърифий руҳдаги шеърларидан ташкил топганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган.

Ўзбек шоиралари ижоди билан агрофлича танишишда Т.Жалоловнинг “Ўзбек шоиралари” (1959) мажмуаси катта аҳамиятга эга. Ушбу мажму-

ада Иброҳим Давроннинг “Ашъори нисвон” тўпламидаги 23 та шоира (ва Зебуннисо бегим, унинг шогирдлари Нуржаҳон, Салима бегим, Зебуннисонинг мулозими - Махфийлар ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Булардан ташқари Нодира (Моҳлар ойим), Увайсий, Маҳзуна, Муаззамхон, Нозимахоним, Хоразм халифалари Хоним сувчи, Шукур, Оллақули қизи, Ожиза (Анабиби Отажонова), Самар Бону каби жами 36 та шоира ҳақида маълумот берилган.

1977 йилда Т.Жалоловнинг “Қизлар қасидаси” (“Ўзбек шоиралари”-нинг иккинчи китоби) нашр этилган. Ушбу рисолада уч бўлимда шоиралар ҳаёти ва фаолияти, шеърларидан намуналар берилган. Рисолада Зулфия, Х.Тиллахонова, О.Собирова, Музайяна Алавия, Маҳбуба Раҳим қизи, Р.Узоқова, Кибриёхоним, С.Зуннунова, Ойдин, Г.Жўраева, Х.Худойбердиева, Ҳ.Қорабоева, Э.Охунова, Нилуфар, М.Тўрабоева, Х.Бобомуродова, У.Отаева, М.Муродова, Ш.Салимова, Б.Тўрабоева ва бошқалар ҳақида кенг маълумот берилган.

Дарҳақиқат, М.Қ.Ўразбаеванинг “Ҳозирги ўзбек романчилигида аёл образи ва унинг қиёсий таҳлили” диссертация ишида ҳам шундай ёндашув кузатилди. Бир томондан, адабиётда аёл образининг тарихий илдизлари, ўзбек адиблари романларидаги аёл образининг бадиий талқинлари каби масалалар Исажон Султоннинг “Генетик” романидаги София хола, Нормурод Норқобиловнинг “Қорақуюн”ида Ойбекач ва “Дашту далаларда” асаридаги Ойбарчин образлари, Л.Бўрихоннинг “Жазирамадаги одамлар” ҳамда Ч.Диккенснинг “Катта умидлар” асаридаги аёл қаҳрамонлар мисолида таҳлил қилинган бўлса, иккинчи томондан, адибалар романларида аёл етакчи қаҳрамонлар масаласи С.Вафонинг “Оворанинг кўрган-кечирганлари”, З.Қуролбой қизининг “Армон асираси”, “Машаққатлар гирдобии”, Ж.Эргашеванинг “Қир устидаги аёл” каби романлари мисолида тадқиқ қилинган.

Мазкур диссертацияда жаҳон ва ўзбек адабиётида аёл характери яратилган умумбашарий ва миллий хусусиятларини ёритиш, маънан ва руҳан янгиланаётган қаҳрамонларнинг ўзлигини намоён этувчи жиҳатларини қиёсий аспектда ўрганиш мақсад қилиб олинган. Тадқиқотчи аёл образининг яратилиш тарихи диний манбаларга, афсона ва халқ дostonларига бориб тақалиши, мумтоз адабиётимиз намуналарида қандай тасвирлангани ҳамда жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигида ўрганилиши муаммоларини ёритишга ҳаракат қилган.

Биз мавзуимиз доирасидан келиб чиқиб, асосан насрда ижод қилувчи адибалар ҳақида фикр юритиш билан чекланамиз. XX аср ўзбек адабиётида, аёл ижодкорлар, асосан, шеърятда дадил бўй кўрсатган бўлса, Ойдин



(ҳикоя ва очерклар) ва Саида Зуннунова (ҳикоя ва қиссалар) насрга қўл урдилар, XXI асрга келиб ўзбек адабалари роман жанрида ҳам қалам тебрата бошладилар.

С.Сотиболдиеванинг юқорида қайд этилган мақоласида ўзбек аёл ижодкорлари хусусида айрим ноҳолис фикрлар кузатилди. “Насрда сермахсул ижод қилаётган ягона ижодкор (таъкид бизники; аёл ижодкор демоқчи бўлган бўлса керак) десак муболаға бўлмас, Саломат Вафодир”, - деб ёзади С.Сотиболдиева. Ваҳоланки, Саломат Вафонинг ижодий фаолиятини камситмаган ҳолда айтишимиз мумкинки, бу даврда Зулфия Қуролбой қизи, Жамила Эргашевалар замонавий мавзулардаги романларида бугунги кун аёллари образини турли ракурсларда бадиий талқин қилган бўлсалар, Шаҳодат Исахонова, Саломат Вафо ва Рисолат Ҳайдаровалар ўзбек аёл ижодкорлар орасида тарихий романлар муаллифи сифатида ном олдилар. Хусусан, миллатимиз тақдирида ўзига хос ном қолдирган аёл тарихий шахсларнинг қатор образлари тизимини яратаётган Ш.Исахонова “Ўзбек аёллар адабиёти” тушунчасининг тугал шаклланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган адабаларимиздан биридир.

Рисолат Ҳайдарованинг “Жавзо” романида Темурийлар салтанатининг таназулга юз тутаётган оғир кунлари – Шайбонийхон томонидан Хиротнинг ишғол этилиш воқеалари тасвирланган. Асарда Ҳадичабегим, Хон ойим, Қорақўзбегим, Хонзодабегим, Мўғил хоним, Улуғбиби, Зулайҳо каби қатор тарихий ва тўқима аёллар образлари, уларнинг севгиси, қисмати, кувонч-у изтироблари занжири муваффақиятли шакллантирилган. Айнан, мана шу ўринда аёл ижодкорларнинг аёл руҳиятини тасвирлашдаги ўзига хослиги намоён бўлган. Шу билан бирга, Шайбонийхон характерини тасвирлашда ҳам индивидуал ёндашувнинг самарали талқини кўзга ташланади.

“Тарихдан Ҳадичабегим ўз хийла-найранги, ўз манфаати учун ҳар қандай қабиҳликдан тап тортмайдиган аёл сифатида маълум. Ўз фарзандининг тахт тепасига келиши йўлида ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтишга, ҳатто Султоннинг энг севимли набираси бўлмиш Мўмин Мирзонинг бу дунёдан эрта кўз юмишига сабабчи бўлса-да, ўз мақсади йўлидан чекинмайди. Ўз атрофига вазир-у, уламоларни, дин пешволарини, бир сўз билан айтганда, ўз манфаати йўлида унга содиқ хизматчиларни тўплайди. Бу уринишлари Музаффар Мирзонинг тахт тепасида акаси билан ёнма-ён қолишига олиб келади.” Бирок, ана шу курашлар жараёнида ўзининг яширин хатти-ҳаракатлари билан салтанатнинг емирилишига сабабчилардан бири бўлган бу аёлнинг руҳий ҳолати романда тўла очиб берилмаган. Айнан, “Жавзо”да тасвирланган воқеалар силсиласида Ҳадичабегимнинг қора қилмишлари

янада залворлироқ тасвирланиши, Маъруф Мирзо – Мўмин Мирзоларнинг ўлими чизиғи баҳонасида ўз ишининг нақадар аянчли эканини ҳис қилиши, Мансур бахшига туттириб берилган ҳолатидаги руҳий изтироблари, виждон азобида ўртанишлари китобхон ўйларини остин-устун қиладиган даражада шиддатлироқ акс эттирилса, “ёмонлик жазосиз қолмайди” деган ғоявий хулоса пафос даражасига олиб чиқилса, асарнинг ҳаққонийлиги, ўқишлилиги янада ортган бўлар эди.

Шаҳодат Исахонванинг “Бибихоним” ва “Гавҳаршодбегим” тарихий-биографик романларида буюк салтанат бухронлари, шахзодалар ўртасидаги турфа низо ва келишмовчиликлар, тарафкашлик, халқ руҳиятидаги тушкун кайфият, амалдорлар орасидаги ишончсизликлар каби тарихий воқелик тасвиридаги сюжетлилик, ривоя кўламдорлиги, сарой ҳаётининг қонуниятларини асосий қаҳрамонлар ва иккинчи даражали персонажлар муносабатлари орқали ёритиш, Бибихоним, Шод Мулк, Мироншоҳ Мирзо, Халил Султон, Гавҳаршодбегим, Абдулатиф Мирзо, Жўкий Мирзо каби персонажларнинг характерларини очиб беришдаги психологик таҳлил изчиллиги, индивидуал ва ижтимоий муаммолар муштарақлигини уйғунлаштириш каби характерли тасвир воситалари роман табиатини белгилайди.

Бибихоним, Шод Мулк Бегим, Хонзодабегим, Гавҳаршодбегим каби маликалар ҳар бирининг ўзига хос характер қирраларини шахзодалар, сарой аъёнлари, ноибу тўралар, оддий хизматчилар ва бошқа турли ижтимоий қатлам вакиллари билан кечадиган турфа муносабатлар фонида очиб берилиши асарларнинг ўқишлилиги, эстетик таъсирчанлигини таъминлай олган. Шунинг ҳам айтиб ўтиш жозки, “Бибихоним” романида Амир Темур – Бибихоним – Амир Ҳусайн учлигининг зиддиятли қирралари етарлича очилмай қолган. “Гавҳаршодбегим” романида эса Алишер Навоий образи билан боғлиқ эпизодларда заифлик кузатилади.

Ш.Исахонова қаҳрамон характерини яратишда унинг ҳаётидаги энг муҳим қирраларни тасвирлаш ва унинг феъл-атвори, хатти-ҳаракатларига хос хусусиятлар шаклланишининг илдизларини очиб бериш йўлидан боради. Бу йўналишдаги асарларда эпик тасвирдаги анъанавийлик масаласини макон, замон ва шахс концепцияси, хилма-хил ҳаётий воқеа-ҳодисаларни ишонарли тасвирлаш, воқеликни турли ракурсларда акс эттириш имконият ва усуллари динамикасида кузатиш мумкин.

#### Адабиётлар:

1. Ашурова Н. Рисолат Ҳайдарованинг “Жавзо” романида аёллар образи тасвири // ЎзМУ хабарлари, № 1, 2022. – Б. 179-182
2. Аҳмедова Ш. Араб адибалари // <https://ziyouz.uz/il/shahlo-ahmedova-arab-adibalari/>



3. Зоирова А. Феминистик тадқиқотларда гинеокритик ёндашув // ЎзМу хабарлари №1, 2022. – Б. 265-267
4. Зоирова А.И. Француз феминист адибалар асарлари таржимасининг гинеокритик тадқиқи (Жорж Санд ва Жермена де Сталь асарлари таржимаси мисолида): филол.фанлари фалс. д-ри (PhD) дисс... автореф. Бухоро, 2022.
5. Матмуродова М. Ўзбек шоирлари ҳақидаги библиографик манбалар ва электрон ресурслари // [https://uznel.natlib.uz:444/FN/dl\\_image](https://uznel.natlib.uz:444/FN/dl_image)
6. Мухаммедова Ҳ Танқидий реализм адабиётида аёллар насрининг тараққиёт босқичлари // Педагогик инновациялар ва юқори самарадорликка этакловчи таълимий ғоялар: Республика илмий-амалий онлайн конференцияси. Термиз, 2020. - Б.236-240; Инглиз адабиётида викториан даври аёллар насри мисолида // <https://cdn.uz.uz/2023/01/16>
7. Мухаммедова Ҳ. Инглиз адабиётида викториан даври аёллар насри мисолида // <https://cdn.uz.uz/2023/01/16>
8. Назирова Ш. “Аёллар адабиёти” тушунчаси хусусида мулоҳазалар (ўзбек ва хитой адабиётининг қиёсий таҳлили мисолида) // Глобаллашув даврида тилшунослик ва адабиётшунослик тараққиёти ҳамда таълим технологиялари. Конференция тўплами. Ажиниёз номидаги НДПИ. Нукус, 2022. – Б. 148-152
9. Пакина Е.В. Типология женских образов в романах В.Скотта: автореф. дисс... канд.филол. наук. Нижний Новгород, 2004.
10. Сотиболдиева С. Аёл руҳияти мусаввирлари // Шарқ халқлари адабиётида гендер масалалари. Илмий анжуман материаллари. Тошкент, 2019.
11. Умурова Г.Х. Зулфия бадий олами ва поэтик мактаби: филол. фанлари д-ри (DSc) дисс... автореф. Самарқанд, 2019.
12. Ўразбаева М.Қ. Ҳозирги ўзбек романчилигида аёл образи ва унинг қиёсий таҳлили: филол. фанлари фалс. д-ри (PhD) дисс... автореф. Тошкент, 2021.
13. <https://kh-davron.uz/kutubxona>

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада жаҳон адабиётшунослигида “Аёллар адабиёти” тушунчасининг шаклланиши ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ўзбек адабиётидаги ўрни масаласи тадқиқ қилинган. Шунингдек, лингвопоэтика, таржимонлик, танқидчилик йўналишларида ҳам гендер хусусиятлар фарқлана бошлагани хусусида фикр юритилган.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье исследуются формирование понятия «женская литература» в мировой литературе, его специфические особенности и место в узбекской литературе. Обсуждалось также, что гендерные характеристики стали различаться в сферах лингвопоэтики, перевода и критики.

#### SUMMARY

In this article, the formation of the concept of «women’s literature» in world literature and its specific features and its place in Uzbek literature are studied. It was also discussed that gender characteristics began to differ in the fields of linguopoetics, translation, and criticism.